

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ  
АСОСЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

Баҳодир Халилов

Навоий давлат педагогика университети тадқиқотчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15319451>

Мактабдан ташқари таълим муассасалари болаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантирувчи, эркин фаоллигини таъминловчи, билимларни кўнимкага айланишида етарлича комфорт мухитни бера оладиган маскандир.

Мактабдан ташқари таълим муассасалари – болалар ва ўсмирлар билан мактабдан ташқари иш олиб борувчи ижтимоийташқилий ва инструктив-метолик муассасалар. Мактаб билан яқиндан бояганиб иш юритади. Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижолиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусика мактаблари, студиялар, кутубхоналар, согломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради. Улар йил бўйи ишлайли.

Болалар ва ўсмирларнинг якка тартиблиги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари. жамоат бирлашмалари. шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларла Мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин. Мактабдан ташқари таълим муассасаларида умумий ўрта таълим мактабларининг барча синф ўқувчилари ўз ихтиёрлари билан мактаб ўқув дастуридан ташқари қўшимча фанлар, санъат турлари, бадиий хунармандчилик ва бошқа касб-хунар, спорт турларини ўрганадилар. Мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқувчилар учун турли йўналишлар бўйича тўғарак, клуб, студия, ансамбль, гуруҳ ва бошқа шаклларда ташкил қилинади.

Мактабдан ташқари таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ фаолият олиб боради.

Янги Ўзбекистон шароитида таълимнинг барча босқичлари сингари мактабдан ташқари таълим соҳасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу соҳада қабул қилинаётган қарор ва фармойишларнинг ижроси тизимнинг янада ривожланиши учун туртки бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4467-сон Қарорига мувофиқ мактабдан ташқари таълим тизимини янги босқичга кўтариш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, давлат талабларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув методик

мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, халқ таълими тизимидағи мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этишни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Концепцияда гуманитар ва педагогик йўналишларда кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, педагогик таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўкув режа ва дастурларини илгор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, мазкур йўналишда таҳсил олаётган талабаларда таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, худудлардаги барча умумтаълим мактабларига хорижий тилларни ўзлаштирган, юқори малакали профессионал педагог кадрларни етказиб бериш<sup>1</sup> кўрсатилган.

Ўқувчиларда амалий фаолият тажрибасини таркиб топтириш, таянч компетенцияларни шакллантириш орқали ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш жараёнларини ташкил этиш ва педагоглар компетентлигини ривожлантириш, компетенциявий ёндашувга асосланган таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш орқали ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда.

“Умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўкув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш”<sup>2</sup> каби вазифалар белгилаб берилди.

2021 йил август ойида мамлакат тажрибасида илк маротаба Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабида “Мактабдан ташқари таълим: муаммо ва ечимлар” мавзусида икки кунлик Республика форуми ташкил этилди. Ушбу форумда мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидағи мактабдан ташқари таълим муассасалари соҳасидаги бугунги кун муаммолари ва ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш борасидаги раҳбар ва педагог кадрларнинг менежерлик қобилиятини ривожлантириш масалалари бўйича маҳаллий ва хорижий тажриба таҳлил қилинди.

Мактабдан ташқари таълим болаларнинг ўқишига қизиқишини ошириши билан бирга уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, бўш вақтини тўғри ташкил

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони иловаси.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. – Т.// Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

этишда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган «Баркамол авлод» болалар марказлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўғил-қизларнинг истеъдод ва қобилиятини тўғри шакллантириш, касб-хунарга илм-фан йўналтириш имконини бермоқда. Анъанавий тарзда ташкил этилаётган «Она юрт оҳанглари», «Санъат ғунчалари», «Камалак» юлдузлари», «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика қўрик-танловлари, Тасвирий ва амалий санъат фестивали каби ижодий лойиҳалар мактабдан ташқари таълим масканларига қатнаётган болаларнинг фаолиятини кенг жамоатчиликка танитмоқда, уларни янада илҳомлантироқда.

“Баркамол авлод” мактаблари маткабдан ташқари таълимда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда 200 дан ортиқ “Баркамол авлод” мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу ўқув масканлари республика таълим тизимининг бир қисми бўлиб, уларда ўқувчиларнинг мактабдан ташқари таълим олишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистонда мактабдан ташқари таълим йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат миллий балки хорижий эксперкларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, 2023 йил нуфузли Euronews телеканалининг янгиликлар порталида Ўзбекистонда мактабдан ташқари таълимнинг истиқболларига бағишлиланган видеоролик ва мақола эълон қилинди. Ушбу мақолада “Ўзбекистон мактабдан ташқари таълимни такомиллаштириш йўлида шахдам қадамлар билан олдинга интилмоқда. Бутун мамлакат бўйлаб турли тугараклар ва ўқув дастурларни таклиф қилувчи маҳсус марказлар мавжуд. Улар “Баркамол авлод” номи остида бирлашган бўлиб, бу ерда болалар турли хил билим ва кўникмаларга эга бўлишлари баробарида, ўз олдиларига улкан мақсадлар қўйишини ўрганишади”<sup>3</sup>, деб таъкидланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимида мактабдан ташқари таълим муассасалари муҳим ўрин тутади. Таълимнинг ушбу босқичи ўқувчилар орасида иқтидорли ёшларни аниқлаш, шахсни ривожлантиришга қаратилган турли тадбирлар, мусобақаларни, спорт, техника ва бадиий ижодкорлик ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этиш, амалга ошириш мумкин бўлган янги истиқболли масалаларни ўрганиш ва шунга асосан ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра шахснинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган турли тўгараклар очиш, фан асослари бўйича қўшимча таълим бериш каби вазифаларнинг амалга оширилишига хизмат қиласи.

<sup>3</sup>

[https://dunyo.info/cyrl/site/inner/euronews\\_ozbekistonda\\_maktabdan\\_tashqari\\_taalimni\\_rivozhlantirish\\_istiqbollari\\_togrisida\\_xikoya\\_qiladi-LNy](https://dunyo.info/cyrl/site/inner/euronews_ozbekistonda_maktabdan_tashqari_taalimni_rivozhlantirish_istiqbollari_togrisida_xikoya_qiladi-LNy)

Бизнингча, мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги тўгараклар машғулотларининг сифати ва самарадорлигини янада юксалтириш, тўгарак раҳбарларининг касб салоҳиятини муттасил ошириш, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини малакали спорт мураббийлари билан янада кўпроқ таъминлашга эътибор қаратиш муҳим ушбу тизимни янада самарли ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, “Баркамол авлод” марказлари ҳамда болалар оромгоҳлари, кутубхоналарда ташкил этиладиган таълим жараёнини умумий ўрта таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнлари билан узвийлигини таъминлаш, болалар онгига умуминсоний ва миллий қадриятларни сингдириш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган маънавий-маърифий чора-тадбирлар жараёнларини такомиллаштириш ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.